

МИРЗО БЕДИЛ ВА ФАРИДИДДИН АТТОР АСАРЛАРИДА ОНТОЛОГИК МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14544803>

Жўрабоева Наргиза Ортиғалиевна

Алфраганус Университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси магистранти

e-mail: nargizazuraboeva4@gmail.com

Аннотация: Мақолада, Мирзо Бедил ва Фаририддин Аттор асарларида онтологик масалалар моддий дунё ва аниқ нарсаларининг айнан намоён бўлишида, шакл ва мазмун диалектикасини ойдинлаштириши орқали нарсалар дунёсининг моҳиятини очиб берганлигига фикр қаратилган.

Калит сўзлар: “Чор унсур”, онтология, “Ваҳдати вужсуд”, “Ваҳдати мавжуд” диалектика, мазмун ва шакл, «адам».

КИРИШ

Мамлакатимизда маърифатли, маънавий-руҳий етук, интеллектуал салоҳиятли ёшлиарни тарбиялашда аждодлар илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёш авлодни муносаб ворислар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ўрта аср Ислом Шарқи алломаларининг “Бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлиши лозим. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, хурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда, тушунарли, жозибали шаклда етказиб бериши зарур”[1.1].

Бу борада Марказий Осиё ҳалқлари маданий ва фалсафий ривожига улкан ҳисса қўшган, ўз даврининг атоқли файласуфи ва шоири Мирзо Бедил ижодида борлик масалалари, унинг барча йирик асарларида, жумладан, моддий дунё келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги фалсафий қарашлари “Чаҳор унсур” (“Тўрт унсур”), “Тилсими хайрат” (“Хайрат тилсими”), “Мухити аъзам” (“Буюк океан”), «Ирфон» («Билим») номли асарларида, «Нукот» (“Ҳикматли сўзлар”), асарларида мукаммал ёритилганлиги билан аҳамиятлидир. Мирзо Абдулқодир Бедил ижодида дунёни ботинан англаш, инсон руҳиятини камол топтириш, ўзликни англаш орқали борликка мунсабатда бўлиш ғоялари илгари сурилган. Уларни фалсафий нуқтаи назардан теран тадқиқ этиб, илм-фан

соҳасида кенг қўллаш зарурати ҳам ушбу тадқиқотимизнинг долзарбилигини белгилайди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ

Мирзо Бедилнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари тизимида тасаввуф таълимотидаги ваҳдат ул-вужуд фалсафаси билан боғлиқ фикрларини Шайх Фаридиддин Атторнинг бу ҳақдаги қарашлари билан уйғун деган фикрнинг қай даражада асосли эканлигини аниқлашни тадқиқотимизнинг асосий вазифаси қилиб белгиладик. Бу вазифани бажариш учун манбаларни тарихий ва интеллектуал контекстда таҳлил қиласидик. Фаридиддин Аттор тан ва рух (жон) бирлиги, ер ва осмон, тўққиз фалак, макон ва ломакон олами - ҳаммаси мутлақият нуридан эканлигини уқтиради. Илоҳ ҳар бир заррада мавжуд, аммо уни кўриш мумкин эмас[1.2].

Фаридиддин Аттор фикрига кўра, поёнсиз борлиқ Чоти мутлақ (Жавҳари зот)нинг ижоди бўлиб, Унинг нури билан ҳаракатда, фаолиятдадир. Жавҳари зот ўзгрmas, азалий ва абадий вужуд (Вожиб ул-вужуд), бироқ у яратган олам тинимсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ички зиддиятларга тўла, эскиради ва янгиланади. Олам ўша Жавҳари зотнинг сувратланиши, унинг қудратииинг минг-минг шаклларда аёнлашиб кўриниши, Унинг турли номлари, сифатларидир. Бедил ўз таълимотида олам ташқи кўринпидан - моддий, ички моҳиятни илоҳий деб эътироф этади. Бу фикр эса Бедилнинг Аттор қарашлари билан жуда яқин ва ўхшаш эканлигини билдиради. Бедилнинг фикрича, олам абадий ўзгариш жараёнини кузатиб борлиқ ҳақида ўз рубоийсида шундай дейди:

Баҳри мутлақ иссиқ маежурди шундан,
Бўлдик ўзгизиздек аълога муҳтоҷ[1.3].

“Мутлақ баҳр” деб Бедил илоҳий кучга асосланган мутлақ борлиқни айтади. Бедил томонидан илгари сурилган “Мутлақ баҳр” тушунчаси бизнинг назаримизда Аттор ғоясида таъкидланган “Жавҳари зот”га ниҳоятда яқиндир. Бундан файласуф шоир Аттор тафаккури билан таниш бўлган ва унинг таълимотини ривожлантирган, деган фикрга келиш мумкин. Ушбу тадқиқотимизда анализ ва синтез, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаландик.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бедил “Ирфон” асарида ваҳдат ул-вужуд таълимотини ривожлантириб, унинг хилма-хил қирраларини очиб беради. Шу ўринда Бедилнинг қуйидаги мисраси диққатга сазовор:

Гайри ваҳдат барнаёяд ҳиммати ирфони мо,
Домани хеш аст чун сахро гули домони мо.

Ёр дар овўшу номи ў намедонем чист?

Содагӣ хатм аст чун ойина дар бўстони мо[1.4].

Маъноси: Бизнинг ирфонимиз ҳиммати ваҳда (бирлик; бу ерда Аллоҳнинг ягоналиги) дан бошқа на[^] сани билмайди. Этагимиз сахрога ўхшайди. Унинг гу. - сахро гулига монанд. Ёр-қучозимиизда. Бироқ уни номини билмаймиз. Соддалигимиз бўстонидаги ойна кўзгу кабидир.

Бедил илгари сурган фикрлардан кўриниб турибдики, у Аллоҳнинг оламда зухур этган сир-синоатлар ҳақойиқларини фақат ўзингдан топасан, дейди.

Бедил ўз қарашларини сўфиёна таҳлил этиб, қуидаги фикрларни илгари суради:

Ҳар неки тингладим - сенинг баёнинг,

Ҳар нимаки кўрдим - сенинг нишонинг

Қайда бошим уриб, қилдим саждалар,

Кўзим очиб кўрсам, сенинг оstonанг [1.5].

Бедил томонидан илгари сурилган юқоридаги фикрнинг илдизларини Фаридиддин Аттор ғояларида учратамиз. Фаридиддин Аттор руҳга мурожаат қилиб, шундай дейди: "Ҳамма нарса Сенсан, аммо ҳеч - йўқлик ҳам ўзингсан. Кўзга кўринмассан, аммо кўзларнинг нурисан. Кўнгилдан ихлос билан мушкли нафас чиқаргин, чунки Арш Сенинг нафасингдан хос мижмарга – хушбўйларга тарқатувчи қўрага айланади. Сен ҳам шоҳсан ва ҳам ханифа, безавол ва боқийсан" [1.6].

Мирзо Бедил юқоридаги фикрларини қуидагича исботлашга ҳаракат қилди:

Фоний бўлсам-да, бацо шул ердадир,

Бахту кулфат мутлақо шул ердадир

Ўз дилимни тарқ этиб кетгум қаён,

Бор умид, бор муддао шул ердадир.

Кетди дўстлар, ўп оёги изларин,

Ассалому алвидо шул ердадир [1.7].

Бедил фалсафасининг тасаввуф таълимоти билан уйунлашганлигини, унинг юқоридаги байтларидан ҳам билиш мумкин.

Демак, борлик ҳақиқати бу тавҳид ҳақиқатидир.

Буни Аттор шундай тушунтиради:

Ҳақиқат чист? Чун Аттор будан,

Ҳамеша воқифи асрор будан...

Ҳақиқат чист? Аз цон бигзар, эй дўст,

Чу дидй, ин замон Аттор, кулл ўст[1.8].

Мазмуни: Ҳақиқат нима? Аттор каби бўлиш. Ҳамиша сирлардан огоҳ бўлиш. Ҳақиқат нима? Эй, дўст, жундан кеч, бу дам Атторни кўрдингми, кулл ўша.

Фарииддин Аттор томонидан келтирилган юқоридаги байтлар Мирзо Бедил ижодида янада жозибалироқ жарангаайди:

Хоҳ у дегил, хоҳ "сен" ёки "биз" деб ёз
Ҳацмаъносин очар иборанг бисёр [1.9].

Яъни, биз кўп сўз ва иборалар билан ёзамиз, гапирамиз, аммо буларнинг ҳаммаси бир ҳақиқатни билиш ва таниш учун ишлатилади. Бу ҳақиқат сенда ҳам бор унда ҳам бор, бизда ҳам бор, дейди Бедил. Бедил фалсафасининг тасаввуф таълимоти билан уйғунлашгашгина, унинг юқоридаги байтларидан ҳам билиш мумкии. "Чор унсур", "Нукот", "Ирфон" асарларида Бедил ҳамма моддий нарсаларнинг асоси (илдизи) ҳаво деб билади. Ҳаво тўғрисидаги таълимот Бедил фалсафий дунёқарашининг асосидир.

Бедил ҳавони барча мавжуд нарсаларни яратувчиси (вужуди мавжуд) деб билади:

Ки ҳаво аст вужуду мавжуд,
Дар димоги гайбу шухуд [1.10].

Маъноси: Ҳаво яширин ва ашённинг наздида вужуд ва мавжуднинг ўзиdir.

Борлицнинг бунёди bemador нафас,
Ҳаёл кўринса-да, эътибор нафас.
Саҳар шабодасин шамолга ёзсанг,
Бу китобга ҳам ип ҳамда тор нафас [1.11].

Бедилнинг юқорида келтирилган байти шуни кўрсатадики, борлиқнинг мавжудлиги бевосита ҳаво билан боғлиқдир. Бедил, моддий дунё ва аниқ нарсаларининг айнан намоён бўлишида, шакл ва мазмун диалектикасини ойдинлаштириш орқали нарсалар дунёсининг моҳиятини очиб беради. Барча нарсалар зарурият юзасидан вужудга келади. “Барча ашёларда уларнинг бўлакчалари ўзгарганлиги сабабли, янги нарса келиб чиқади, бу ажойиб сирли ҳодиса зарурият юзасидан рўй беради, бу зарурият ашёларнинг ўзида ва улар орасидаги ўзаро муносабатларда мавжуд бўлади. Масалан, ёғ, пилик, ва оловнинг бир-бирига қўшилишидан зарурий равишда ёруғлик келиб чиқади”[1.12]. Дунё ўзгаришда ва доимий ҳаракатдадир. Хар иккала файласуфнинг онтологик қарашлари билан боғлиқ масалалар ҳозирги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Хулоса. Кичик тадқиқотимизни якунлаб, айтиш мумкинки, Бедил инсон моҳиятини унинг реал борлиғи орқали тушунишга уринади. Унинг тасаввурида

реал борлик илоҳий характерга эга. Файласуф назарида Худо шунаقا асоски, унга дунёнинг барча ҳодисаларга, унинг борлигини тўлиқ англашга шубҳа қилиш орқали ишонса бўлади. Шундай қилиб, Бедил фалсафасида, хусусан онтологиясида скептик асос мавжуд.

Бедил борлиқни Худонинг ботиний ва зоҳирий моҳиятининг ўзаро алоқаси сифатида кўради. Мутафаккирнинг фикрига кўра, моҳият ҳодисани тусмоллайди. Бу ерда у объектив ҳодисалар, ўзаро алоқаларнинг мантигини тушунишга ҳаракат қиласди.

Бедил ҳаракатнинг абадийлиги дунё билан боғлиқ бўлган узлуксиз жараён, эканлигини эътироф этади. Унинг фикрича, табиат ва абадий ҳақиқат (Худо), ундан ташкил топган барча нарсалар, унинг борлиғи мутлақлик ва боқийлик характерга эга.

Макон ва замон доирасини Бедил чексизликда кўрган. Унинг фикрича, бутун мавжудот ўз орбитаси бўйича ва ўз ўқи атрофида чексиз маконда айланади ва уларнинг ҳеч бири бирламчи «паноҳ»га эга эмас. Шу чексиз айланиш уларнинг ҳақиқий мақсади. Бедил ушбу маънода чексиз макон ва замонда мавжуд бўлган барча нарсаларни назарда тутади. Чексизликни Бедил Мутлақ борлиқда кўради. Мутафаккир шуни таъкидлайдики, поёнсиз деб ҳисобланадиган қолган барча ҳодисаларнинг, яъни ўлим, тақдир ва шу кабиларнинг чексизлиги нисбий, чунки улар мутлақ борлиқда мавжуд.

Шундай қилиб, Бедил моддий дунёни пантеистик рухда кўриб чиқади, уни Мутлақ ҳақиқат эманациясининг сўнгги босқичи деб ҳисоблайди. Дунё у учун бутун мавжудотни қамраб оладиган, табиий алоқаларга бўйсунадиган, ўз ичидаги мавжуд бўлган табиий қонунлар асосидан ривожланадиган умумий обьект, ўзи учун тўлиқ универсумдир. Ҳар иккала мутафаккир қарашларини тасаввуф таълимоти билан уйунлашганлигини кўриш мумкин. Албатта мақоламиизда буларнинг барчасини тўлиқ қамраб олишнинг имкони йўқ эди. Бу эса ушбу йўналишда кўплаб янги тадқиқотлар, изланишлар олиб бориш мумкинлигини тасдиqlайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. –Б. 224.
2. Фаридиддин Амтор. Илоҳийнома. / Н.Комилов таржимаси. - Т.: "Ёзувчи", 1994.-Б.73.
3. Мирзо Абдулқодир Бедил. Рубоийлар. - X, 1980. -Б . 376.
4. Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазал ва қасидалар. / Асқар Маҳкам таржимаси.Т., 1333(х).-Б.4.
5. Иброҳим.Мўминов. Мирза Бедил. - Т.: "Фан". 1964. - Б. 59.

6. Мирзо Абдулқодир Бедил. Табаррук ташриф. / Матназар Абдулҳаким таржимаси. -Урганч: Хоразм,
7. 1991. - Б. 28.
8. Ж.Холмўминов. Мирзо Абдулқодир Бедип. Шавқингни ёд этиб. -Т, Б. 103.